



**“Сув таъминоти ва оқава сув объектларини қурилиши бўйича ИК” УК Фарғона вилояти худудий бошқармаси бошлиғи Р.Холикназаровга**

### **Техник шарт**

Сизнинг 2022 йил 10 июндаги 265–сонли хатингизга, Ўзбекистон Республикаси Президентинининг 2022 йил 6 июндаги “Худудларда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш ва уларни муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-271 сонли қарорига асосан, Риштон тумани Топволдиев МФЙ худудида ташкил этилаётган “Рус Ўзбек Текст” кўшма корхонасини ичимлик ва оқава сув билан таъминлаш мақсадида қуйидаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

### **Ичимлик сув бўйича**

Риштон тумани Топволдиев МФЙ худудида ташкил этилаётган “Рус Ўзбек Текст” кўшма корхонасини 2000м<sup>3</sup>/сутка ичимлик сув билан таъминлаш учун **уланиш нуқтаси:** “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ Риштон тумани бўлимига қарашли ичимлик сув манбаалари мавжуд бўлмаганлиги сабабли лойиҳа асосида ичимлик сув иншооти қуриш ва 0.4 км ичимлик сув тармоқлари қуриш ишлари ШНК, ҚМҚ талабларига ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда ичимлик сув тизимлари қурилсин.

### **Оқава сув бўйича**

Риштон тумани Топволдиев МФЙ худудида ташкил этилаётган “Рус Ўзбек Текст” кўшма корхонасини марказий оқава сув тармоғига улаш учун **уланиш нуқтаси:** Топволдиев МФЙ Топволдиев кўчасидаги инвестиция дастури асосида қурилаётган оқава сув тармоғига лойиҳа асосида оқава сув тармоқлари тортиш ишлари ШНК, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда қурилиши шарт.

Ичимлик ва оқава сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Ушбу техник шартда берилган барча ишларни амалга оширишда тажрибали лойиҳа институтларини жалб қилган холда амалга оширилиши ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш монтаж ишлари амалга оширилсин. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув лойиҳа смета хужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишиш ва 1(бир) нусха лойиҳа смета хужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда ушбу лойиҳа смета хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиҳа смета хужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга бўлиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

**“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ**

**Бош муҳандиси:**

**И.Абдуллаев**

**“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ**

**ИЧБ бошлиғи:**



**С.Абдуллаев**